# Фарғона ҳақиқати

t.me/farhaqiqati

http://farhaqiqat.uz/

Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

№ 40 (24533)

Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

2021 йил 10 май, душанба




## 9 МАЙ – Хотира ва Қадрлаш куни катта тантана сифатида нишонланди

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

**Ассалому алайкум, ҳурматли ватандошлар!**

Қадрли уруш ва меҳнат фахрийлари!

Аввало, мана шу улуғ айём кунларида, муҳташам Ғалаба боғида туриб, сиз, азизларни, бугунги тантанали маросимни жойлардаги студияларда, ҳарбий округларда, оила даврасида телевидение орқали томоша қилаётган барча фахрийларимизни кўпмиллатли бутун халқимизни Хотира ва қадрлаш куни ҳамда буюк Ғалабанинг 76 йиллиги билан чин қалбимдантабриклайман.

Барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Муҳтарам уруш ва меҳнат фронти фахрийлари!

Бугунги шонли санани биз доимо чексиз қувонч ва чексиз изтироб билан нишонлаймиз. Ватан озодлиги учун, ҳозирги тинч-омон кунлар учун жанг майдонларида ҳалок бўлган ота-боболаримизни, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизнинг муқаддас хотирасини ёд этиб, ҳурмат бажо келтирамиз.

Сиз, мўътабар фахрийларимизнинг беқиёс қаҳрамонлигингиз инсоният тарихига абадий ўчмайдиган, буюк саҳифа бўлиб ёзилганини чуқур миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Улуғ ва табаррук ёшларга етиб, бугун орамизда соғ-саломат, дуогўй бўлиб юрган уруш ва меҳнат фронтининг барча жангчиларига яна бир бор юксак меҳр ва ҳурматимизни изҳор этиб, уларнинг барчасига чин юракдан ташаккур айтамиз.

Ҳаётнинг оғир ва аччиқ синовларини мардона енгиб ўтган Сиз, азизларнинг Ўзбекистонимизни ҳар томонлама ривожлантириш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида, мустаҳкам иродали инсонлар этиб тарбиялашга қўшаётган муносиб ҳиссангизни барчамиз юксак баҳолаймиз.

Сизларнинг мардлик ва матонатингиз коронавирус пандемияси давом этаётган ҳозирги мураккаб даврда ҳам ана шу хатарли касалликка қарши курашда бизга куч ва мадад бермоқда.

Биз – бугунги миннатдор авлодлар сизлар каби жасур оталаримиз билан умрбод фахрланамиз.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сизларнинг жанг майдонларида буюк қаҳрамонлик кўрсатганингиз, урушдан кейин мамлакатни тиклаш ва ривожлантириш йўлида қилган фидокорона хизматларингиз учун барчамиз бош эгиб таъзим қиламиз.

**Орадан яна қанча йиллар, асрлар ўтмасин, сизларнинг фашизмга қарши кўрсатган матонатингизни халқимиз ҳамиша қалбида, хотирасида сақлайди, бу жасорат ёшларимиз учун абадий ибрат намунаси бўлиб қолади.**

Ҳурматли юртдошлар!

Иккинчи жаҳон уруши миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг ўлимига сабаб бўлган, мислсиз йўқотиш ва талафотларга олиб келган энг даҳшатли қирғин бўлганини ҳаммамиз яхши биламиз. Олти йил давом этган бу қонли урушда ўша пайтда дунёдаги мавжуд 73 та давлатдан 62 таси, Ер юзи аҳолисининг 80 фоизи иштирок этгани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Европа, Осиё ва Африка қитъаларидаги 40 та давлатни бевосита қамраб олган уруш ҳаракатларига 110 миллион киши сафарбар этилгани ва бу қирғинда жами 70 миллион киши ҳалок бўлгани ҳар қандай одамни ларзага солади. Энг кўп қурбонлар собиқ Иттифоқ республикалари ҳиссасига тўғри келиб, қарийб 27 миллион кишини ташкил этганини бугун ҳам улкан қайғу ва изтироб билан эслаймиз.

Ўзбекистон халқи бутун тараққийпарвар инсоният қаторида урушнинг биринчи кунларидан бошлаб фашизмга қарши жангга кирди. Ёвуз душманни тор-мор этиш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этди.

Шу борада баъзи бир энг муҳим, илгари бизга номаълум бўлган факт ва рақамларни яна бир бор эслаб ўтиш ўринли, деб ҳисоблайман.

Маълумки, 1941 йилда республикамиз аҳолиси 6 миллион 800 мингдан зиёд кишини ташкил этарди. Уруш бошланиши билан қарийб 2 миллион юртдошимиз фронтга отланди. Ҳар бири том маънода қаҳрамон бўлган бу азиз инсонларнинг 500 мингдан зиёди шафқатсиз жангларда ҳалок бўлди.

Биз бу рақамларни ҳар йили 9 май – Ғалаба байрамида қайта-қайта эсга оламиз. Булар шунчаки оддий рақамлар эмас. Уларнинг замирида муштипар оналаримиз, момоларимиз, мард ва жасур оталаримиз, бутун халқимиз қалбидаги чексиз қайғу ва ҳасрат мужассам.

Бу дарду аламларни ҳеч қандай рақам, ҳеч қандай сўз билан ифодалаб бўлмайди, десак, янглишмаган бўламиз. Нега деганда, 500 мингдан зиёд қурбон – бу 500 мингдан ортиқ фожиа дегани. Бу умр йўлдошидан айрилган минг-минглаб аёллар, ота-онасидан жудо бўлган миллионлаб етим болалар дегани. Бу – орадан шунча йиллар ўтса ҳамки, халқимиз юрагидаги битмаган, ҳеч қачон битмайдиган мудҳиш яра, туганмас нола ва армон демакдир.

Ўзбекистон халқи ана шундай оғир талафотлар кўриб, буюк Ғалабага беқиёс ҳисса қўшди. Бу ҳақиқатни

200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар орден ва медаллар билан мукофотлангани ҳам яққол исботлайди. Ватандошларимизнинг 301 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга, 70 нафардан ортиғи учала даражадаги "Слава" орденига сазовор бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Инсоният тақдири ва келажаги ҳал бўлаётган ўша суронли йилларда Ўзбекистон фронтнинг мустаҳкам таъминот базаси бўлиб хизмат қилди.

**"Ҳамма нарса – фронт учун, ҳамма нарса – Ғалаба учун!"** деган ғоя эл-юртимизнинг ҳаётий эътиқодига айланди. Халқимиз туну кун тинимсиз меҳнат қилиб, улкан миқдордаги озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-аслаҳа, дори-дармон захираларини жанг майдонларига узлуксиз етказиб берди. Бомба ва снарядлар тинимсиз портлаб турган ҳудудлардан 170 га яқин завод ва фабрикалар Ўзбекистонга эвакуация қилинди ва қисқа муддатда қайта ишга туширилди.

Урушдан жабр кўрган 1 миллион 500 мингдан ортиқ кексалар, аёллар ва болалар республикамизга кўчириб келтирилди. Уларнинг 200 мингдан зиёди ота-онасидан айрилган етим болалар эди.

Эл-юртимиз мудҳиш уруш йилларида ўзининг юксак гуманистик фазилатларини намоён этди. Ўзбекистонга олиб келинган турли миллатга мансуб минг-минглаб инсонларга бошпана берди, меҳр-шафқат, одамийлик кўрсатиб, энг сўнгги нонини ҳам улар билан баҳам кўрди. **"Тошкент – нон шаҳри", "Ўзбекистон – меҳр мамлакати"** эканини амалда яна бир бор исботлади.

Халқимизнинг бундай улкан жасорати, олижаноблиги бутун дунёда ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлди. Ва бу билан биз ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди.

Муҳтарам ватандошлар!

Сизларга маълумки, кейинги йилларда халқимизнинг буюк Ғалабага қўшган улкан ҳиссасини ҳар томонлама ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича юртимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада илгари ёпиқ бўлган архив ҳужжатлари очилгани, собиқ Иттифоқ республикалари ва чет элдаги архив ташкилотлари, музей ва фондлар, олим ва мутахассислар, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик кучайгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг Иккинчи жаҳон уруши давридаги тарихи янги маълумот ва далиллар, ноёб ҳужжатлар билан бойиб бормоқда. Мавзуга оид янги-янги илмий тадқиқотлар, бадиий асарлар, кинофильм ва альбомлар, кўплаб картина ва ҳайкаллар яратилмоқда.

Таълим масканлари ва маҳалла идораларида ушбу йўналишда ташкил этилган стенд ва кўргазмаларда жангчи ота-боболаримизнинг ўлмас сиймолари, улар ҳақидаги муҳим тарихий маълумотлар акс эттирилмоқда. Биз бу ишларни янада кенг кўламда, фаол давом эттиришимиз зарур.

Бугун уруш йилларида беш азамат ўғлидан жудо бўлган Зулфия Зокирова ва унинг оиласига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбар қўйиб, ҳурмат бажо келтирдик. Бу матонатли инсон тимсолида барча Ўзбекистон оналарига юксак ҳурмат-эҳтиромимизни изҳор этдик.

Ишончим комилки, ана шундай фидойи оналаримиз – севган ёри ва фарзандларига, оиласи ва юртига содиқ аёлларимизнинг жасорати ёш ўғил-қизларимиз учун Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат, сабр-матонат тимсоли бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ушбу мажмуадаги ҳар бир ёдгорликнинг маъно-мазмуни ва фалсафасини, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Ғалаба боғи фаолиятини ташкил этиш ҳақида ўтган йили қабул қилинган Президент қарорига мувофиқ, бу борада эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

2



Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 76 йиллиги ҳамда Хотира ва Қадрлаш куни арафасида вилоятимизда меҳр ва эҳтиром тадбирлари ўтказилди.

# ЭЛ АРДОҒИДАГИ ҚАҲРАМОНЛАРГА ЭҲТИРОМ



Президент Фармони ва қарори асосида "Хотира бор экан – миллат барҳаёт", "Эътибор ва ғамхўрлик – инсоний бурч" шиорлари остида уруш фахрийларига иззат-икром кўрсатилди, юрт тинчлиги йўлида жонини фидо қилган ота-боболаримиз хотираси ёдга олинди.

Вилоят ҳокими, секторлар раҳбарлари, ҳарбий хизматчилар, навқирон ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ҳаётимиз файзи бўлган табаррук фахрийлар хонадонларига ташриф буюрилиб, уруш қатнашчилари ва ногиронларига давлатимиз раҳбари табриги ўқиб эшиттирилди, 12 миллион сўм миқдорида пул мукофоти, Президентимизнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг уй-жойларини ободонлаштириш, тиббий кўрикдан ўтказиш, уруш ва фронт орти меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилди.

***

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Фарғона шаҳридаги сўлим Хотира хиёбонида ташкил этилган байрам тадбирида уруш ва меҳнат фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбийлар, фаол ёшлар жамулжам бўлишди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров тадбирнинг энг азиз меҳмонлари билан бирма-бир кўришиб, эзгу тилакларини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Ҳарбий оркестр садолари остида ҳарбийлар, Миллий гвардия, ички ишлар идораларининг жанговар қўшинлари майдон бўйлаб тантанали саф тортиб ўтди. Уруш йиллари ҳарбий машиналари, қурол-аслаҳалари, Қуролли Кучларимизнинг бугунги қудратини кўрсатувчи замонавий техникалар намойиши байрам иштирокчилари қалбини ғурур-ифтихорга тўлдирди.

Ҳарбий оркестр садолари остида вилоят ҳокимлиги, Шарқий ҳарбий округи қўшинлари қўмондонлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари "Мотамсаро она" ҳайкали пойига анвойи гулдасталар қўйдилар. Иккинчи жаҳон урушидан қайтмаган жангчиларнинг табаррук номлари ёзилган Хотира китоблари варақланди.








"Ватанпарварлар боғи"даги уруш йилларини акс эттирувчи театрлаштирилган томошалар, жисмоний ва маънавий баркамолликни намоён этувчи машқлар, ҳарбийлар билан юзма-юз мулоқотлар, ҳарбийлар ҳаёти билан яқиндан танишув тадбир қатнашчиларида унутилмас таассуротлар қолдирди.

— Бундай эътибор ва рағбат умримизга умр қўшади,— дейди Фарғона шаҳрида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Қурбон ота Саттторов. – Қолаверса, қутлуғ байрам кунлари мард ва жасур сафдошларимиз хотирасини ёдга олиш, уз умрини юрт тинчлиги ва осойишталиги учун бахшида этган ҳамюртларимизга ҳурмат кўрсатиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

***

Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 76 йиллиги муносабати билан тантанали тадбир ўтказилди.

Видеоселектор тарзида бўлиб ўтган тадбирда Фарғона тумани маркази — Водилдаги вилоят ҳокимлиги қабуллар уйида фарғоналик бир гуруҳ уруш фахрийлари, вилоят фаоллари ҳам иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари инсоният тарихидаги энг даҳшатли урушда мардлик ва жасорат кўрсатган, бугунги тинч-осойишта, дориломон кунларда дуогўй бўлиб, элимиз ардоғида умргузаронлик қилаётган нуронийларимизни табриклаб, эзгу ниятларини изҳор этди.

— Дунёда жуда кўп нарса унутилади, — деди давлатимиз раҳбари. — Аммо бу урушда ота-боболаримиз кўрсатган жасорат, мардлик, халқимизнинг фронт ортидаги матонати, эзгу фазилатлари асло унутилмайди. Шу боис, бугун биз билан ёнма-ён яшаётган уруш фахрийлари, табаррук нуронийларимиз ҳар қанча эътибор ва эъзозга лойиқ.

Тантанали тадбирда Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров сўзга чиқди.

— Фарғонада ҳам уруш, фронт орти меҳнат фахрийларига юксак эҳтиром кўрсатилди, — деди вилоят раҳбари. — Табаррук хонадонларда Иккинчи жаҳон уруши фахрийларига Сизнинг табригингизни ўқиб эшиттириб, Президент совғалари топширилди. Уруш фахрийлари кўзда ёш билан миннатдорчилик билдириб, тинч-фаровон ҳаёт учун дуога қўл очдилар. Айни кунларда вилоят марказида ташкил этилган "Ватанпарварлар боғи"ни янада кенгайтириш, уруш йилларига оид экспонатларни бойитиш ҳаракатидамиз.

Шу куни байрам тадбири вилоят ҳокимлиги қабуллар уйида тўкин дастурхон атрофида, бир пиёла чой устида давом этди. Файзли даврада бирда қайғули, бирда мароқли хотиралар эсга олинди, қалблар ширин дийдордан яйради.

Бир гуруҳ фарғоналик нуронийларга Президент Фармони асосида таъсис этилган "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишонлари тантанали равишда тақдим этилди.

Санъаткорларимиз томонидан ташкил этилган байрам дастури барчага хушкайфият бағишлади.

**Ботир МАДИЁРОВ.**
**Суратларни Муқимжон ҚОДИРОВ ва Шерзод ҚОРАБОЕВ олган.**

# "Матонат мадҳияси"
## ёдгорлик мажмуасига гуллар қўйилди

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 май куни Ғалаба боғига ташриф буюрди.**



Атроф байрамона безатилган. Қуролли Кучлар тизимига кирувчи вазирлик ва идораларнинг раҳбарлар таркиби саф тортган.

Давлат раҳбари, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони уларни байрам билан табриклади.

Ҳарбий оркестр ижросида "Хотирлаш куйи" янгради.

Президент "Матонат мадҳияси" ёдгорлик мажмуасига гулчамбар қўйди.

Бу ёдгорлик Иккинчи жаҳон урушида беш ўғлидан айрилган жафокаш ва матонатли она – Зулфия ая Зокирова, унинг садоқатли келинлари ва етим қолган набиралари хотирасига бағишлаб барпо этилган. У халқимизнинг урушдаги йўқотишлари, ғалабага қўшган улкан ҳиссасининг тимсоли сифатида боғ марказидан ўрин олган. Бу ёдгорликка гул қўйиш барча Ўзбекистон оналарига юксак ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

Қуролли Кучлар тизимига кирувчи вазирлик ва идоралар вакиллари ҳам мажмуа пойига гуллар қўйди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

1

Албатта, уларнинг барчаси ҳақида сўзлаш учун кўп вақт керак. Мен фақат энг муҳим ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Аввало, Ғалаба боғи ёдгорлик мажмуасини ҳарбий тарихимиз, уруш ва меҳнат фронти қатнашчилари жасоратини ўрганиш бўйича илмий марказга айлантириш ҳаракати бошланди. Шу мақсадда ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан мажмуанинг электрон платформаси, онлайн дастурлар яратилди ва уларнинг фаолияти йўлга қўйилди. Мажмуанинг веб-сайти такомиллаштирилди. Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган 2 миллионга яқин ватандошларимизнинг тўлиқ рўйхатини шакллантириш ва шу асосда "Ватан фидойилари" хотира китобини тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган қисқа даврда, карантин шароитига қарамасдан, Ғалаба боғига 350 мингга яқин юртдошларимиз ва чет эллик меҳмонлар ташриф буюрди. Уларнинг орасида ўқувчи ва талаба ёшлар, муҳтарам нуронийлар, ҳарбий хизматчилар, Ҳамдўстлик давлатлари ва бошқа чет эл фуқаролари, юқори мартабали хорижий делегациялар аъзолари борлиги айниқса эътиборга сазовор.

Бу ерга ташриф буюрган одамларнинг Ўзбекистонда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хотирасига кўрсатилаётган улкан ҳурмат-эътибор ҳақида билдирган самимий фикрлари, юксак баҳолари, ўйлайманки, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Ғалаба боғи қисқа муддатда табаррук зиёратгоҳга, турли учрашувлар, маънавий-маърифий, ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тадбирлар мунтазам ўтказиладиган қутлуғ масканга айланиб қолгани барчамизни қувонтиради. Айниқса, 300 мингдан зиёд ёшлар иштирок этган "Шон-шараф" ҳарбий фестивали, ёш ижодкорларнинг уруш мавзусидаги кўргазмалари, кўрик-танловлар кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Бугунги кунда мажмуа таркибида фаолият кўрсатаётган "Шон-шараф" давлат музейида 12,5 мингга яқин экспонат тўпланган бўлиб, уларнинг сони тобора ортиб бормоқда.

Бу ҳақда гапирганда, ўтган йили нашр этилган "Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси" китоб-альбомини тилга олиш ўринлидир. Бу йилги байрам арафасида унинг узвий давоми бўлган "Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида" ва "Ғалаба боғи фалсафаси" номли китоб-альбомлар чоп этилганини алоҳида қайд этиш лозим. Ушбу нашрларда халқимизнинг уруш йилларидаги қаҳрамонлиги ҳақида илгари бизга номаълум бўлган кўплаб янги маълумотлар келтирилган.

Шу борада биргина мисолга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Маълумки, таниқли саҳна устаси Маъсума Қориева урушдан олдинги йилларда собиқ Ҳамза театрининг етакчи артистларидан бири бўлган. Унинг қайнотаси – жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндаси Абдувоҳид қори, қайин укаси – истеъдодли шоир Олтой Қориев, турмуш ўртоғи – Маданият вазирлиги санъат бошқармасининг бошлиғи Босит Қориев 30-йилларда ноҳақ сиёсий қатағонга учрайди. Қайнотаси ва эри ўлим жазосига ҳукм қилинади.

Юртга ёв бостириб келган оғир кунларда Маъсума Қориева ўз бошига тушган фожиани унутиб, икки фарзанди – Шавкат ва Ботир Қориевларни фашизмга қарши жангга юборади. Ўзи эса ҳозирги Ўзбек миллий театрида касаба уюшмасига раҳбарлик қилиб, ғоят оғир даврда ходимларни моддий таъминлаш учун жонбозлик кўрсатади.

Уруш тугайди, лекин Маъсума аянинг фарзандларидан дарак бўлмайди. Муштипар она уларнинг изларини излаб Москвага боради. У ерда иккала ўғли ҳам жангларда ҳалок бўлганини аниқлайди.

Маълум бўлишича, урушда кўрсатган жасорати учун Шавкат Қориев "Қизил байроқ" ордени, Ботир Қориев эса "Қизил юлдуз" ордени билан тақдирланган экан. Минг афсуски, Маъсума Қориева у пайтда бундан бехабар эди. Онаизор фарзандлари доғини кўтаролмасдан, 1946 йили Москвада вафот этади.

Мана шундай қайғули воқеалар билан танишганда, қаҳрамон аждодларимизнинг ўчмас хотираси олдидаги қарзимиз ва бурчимизни янада чуқур ҳис этамиз. Бугунги тинч, эркин ва ёруғ кунларнинг қадрига етиш кераклигини яна бир бор англаймиз.

Ўйлайманки, тарихчи олимларимиз, ижодкор зиёлиларимиз, киночи ва рассомларимиз Ғалаба боғидаги ҳар бир мажмуа ҳақида янги илмий тадқиқотлар, бадиий асарлар яратиб, халқимизга тақдим этса, нур устига нур бўларди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Иккинчи жаҳон уруши тўғрисидаги бор ҳақиқатни аниқлаш ва халқимизга етказиш, аждодлар хотирасини абадийлаштириш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак. Юртимиздаги ҳар бир қишлоқ, маҳалла ва таълим муассасаси, давлат ва нодавлат ташкилотлар, кенг жамоатчилигимиз уруш иштирокчиларига доир материалларни тўплаш ва тарғиб этишда янада фаол иштирок этадилар, деб ишонаман.

Айниқса, замонавий илм-фанларни, хусусан, миллий тарихимизни катта қизиқиш ва меҳр билан ўрганаётган ёшларимиздан бу борада янги ташаббус ва ҳаракатларни кутиб қоламиз.

Бугунги кунда юртимизда уруш қатнашчилари ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқ электрон базасини яратишнинг вақти-соати келди. Россия, Беларусь, Қозоғистон каби давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибасини ўрганиб, бундай амалий ишларни Ўзбекистонда ҳам ташкил этишимиз лозим.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасига икки ҳафта муддатда Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ҳақидаги маълумотларнинг электрон базасини яратиш, бу борада махсус сайтлар, Интернет ресурсларни кўпайтириш ҳақида қарор лойиҳасини тайёрлаб киритиш топширилади.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Ҳаёт қонуниятига кўра, вақт ўтиши билан кўп нарса унутилади, эсдан чиқади. Лекин бу ёруғ дунёда улуғ бир ҳақиқат борки, у ҳеч қачон ўзгармайди, ҳеч қачон эскирмайди. Яъни, **Ватан ва халқ озодлиги, келгуси авлодларнинг бахту саодати йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган инсонлар хотираси ҳамиша барҳаёт яшайди.**

Шу боис биз учун уруш ва меҳнат фахрийларининг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, ўтганларнинг хотирасини абадийлаштириш доимо муқаддас вазифа бўлиб қолади. Байрам муносабати билан бу борада кўп ишлар амалга оширилди. Жумладан, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар раҳбарлари иштирокида уруш ва меҳнат фахрийлари, уларнинг оила аъзоларини қутлаш, табрик ва совғалар топширишга бағишланган маросимлар тантанали вазиятда ўтказилди. Ёлғиз яшаётган уруш ва меҳнат фахрийларининг уй-жойлари таъмирланди ва обод қилинди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига тиббий ва ижтимоий хизматлар кўрсатадиган, уларни парвариш қилиш билан шуғулланадиган патронаж хизмати йўлга қўйилди. Ана шундай фахрийларимиз ўз хоҳиш-истаклари асосида республикамиздаги санаторийларда даволанмоқда. Байрам кунларида барча шаҳар ва қишлоқларимизда хотира тадбирлари ўтказилмоқда.

Албатта, халқимиз маънавиятининг ажралмас қисми бўлган бундай савобли ишларни биз бундан буён ҳам изчил давом эттирамиз.

Қадрли дўстлар!

Бугунги нотинч ва таҳликали ҳаётнинг ўзи Иккинчи жаҳон урушининг қонли фожиаларидан хулоса ва сабоқ чиқариб яшашни бутун дунё халқларидан талаб этмоқда. Ер юзида тинчлик учун курашиш, дунё давлатлари ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Биз янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегиясини айнан мана шундай тамойиллар асосида амалга оширмоқдамиз ва бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз.

Айниқса, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро аҳиллик ва тотувликни асраш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш ҳамиша бош вазифамиз бўлиб қолади.

Дунёда ва минтақамиздаги нотинч вазиятни ҳисобга олган ҳолда, биз доимо ҳушёр ва сезгир бўлиб яшашимиз, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини ошириб, ёшларимизни ватанпарварлик ва жасорат руҳида тарбиялашимиз зарур.

Ана шундай ғоят муҳим вазифаларни самарали адо этишда буюк аждодларимиз, муҳтарам фахрийларимизнинг мардлиги ва шонли анъаналари, ҳеч шубҳасиз, биз учун доимо ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Халқимиз ва миллатимизнинг юксак қадрият ва фазилатлари айнан ана шундай асосда шаклланади ва ривожланади.

**Қаҳрамон оталаридан ўрнак ва намуна олиб, улар билан доимо фахрланиб яшайдиган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди ва ўзининг эзгу мақсадларига албатта етади.**

Қадрли ва муҳтарам ватандошларим!

Сиз, азизларни бугунги қутлуғ байрам – Хотира ва Қадрлаш куни билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, яқинлашиб келаётган яна бир улуғ айём – муқаддас Рамазон ҳайити билан ҳам барчангизни самимий муборакбод этаман.

Хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака, бахту саодат тилайман.

Халқимиз ва бутун инсоният учун буюк Ғалаба келтирган барча жасур жангчиларимизга шон-шарафлар бўлсин!

Тинчлик ва озодлик йўлида ўз азиз жонларини фидо этган қаҳрамонлар хотираси ҳамиша барҳаёт бўлсин!

Барча эзгу орзу-ниятларимиз амалга ошсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Доимо соғ-саломат бўлинг, азизларим, қадрдонларим!

# ФАРҒОНАЛИКЛАРДАН 14 МИНГ 912 КИШИ ЖАНГОВАР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАР БИЛАН МУКОФОТЛАНГАН

**Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар ҳеч қачон ёдимиздан, қалбимиздан ўчмайди. Бугунги кунда орамизда яшаётганлар эса ҳамиша эъзозимизда.**

1941-1945 йиллардаги уруш даврида мамлакат бошига тушган оғир синовлар Фарғона вилоятига ҳам катта таъсир қилди. Шаҳар ва туман ҳарбий комиссарликларига аҳолидан фронтга жўнатишни сўраб кўплаб аризалар кела бошлади. Фақат бир ҳафта ичида 1735 та ариза тушди. Ўзбекистоннинг кўп жойларида бўлганидек, вилоятда кўнгиллилардан иборат ҳарбий бўлинма ва қисмлар ташкил топди. Улар орасида 94-ўзбек ўқчи бригадаси алоҳида ўрин тутади. Бу жанговар қўшилма Сталинград учун олиб борилган жангларда мислсиз матонат ва жасорат кўрсатиб, Волга билан Дон дарёлари оралиғида фашистларнинг сара қўшинларини тор-мор келтиришга муносиб ҳисса қўшди. Мазкур ўқчи бригада таркибидаги 13 минг жангчидан фақат саккиз юздан ортиғи уйига қайтиб келган.

Уруш йилларида бир неча юз минглаб фарғоналик ўғлонлар юрт ҳимояси учун мардонавор жанг қилди. Фашист босқинчиларига қарши олиб борилган жангларда кўрсатган мардлиги ва жасурлиги учун фарғоналиклардан 14 минг 912 киши жанговар орден ва медаллар билан мукофотланган.

Фарғоналиклар Аҳмаджон Шукуров, Мамадали Топволдиев, Тожиали Бобоев, Қосим Ёқубов, Амирали Саидбеков, Муҳиддин Умриддинов, Мўйдин Ҳасанов, Тўхтасин Аҳмедов, Тўйчи Назаров, Абдулҳамид Жамолов, Иван Дементьевич Беляков, Абдусалим Деҳқонбоев, Владимир Васильевич Женченко, Андрей Диров сингари ўтюрак баҳодирлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Улар Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвони билан тақдирланди, Шуҳрат орденининг тўла кавалерлари бўлдилар.

Фарғона вилоятига бағишланган Хотира китобида 50 мингдан ортиқ киши ҳақида маълумот берилган. Афсуски, шунча вақт ўтган бўлса-да, урушга кетган айрим кишилар тақдири ҳанузгача номаълум.

Халқимизнинг эзгу ниятларини рўёбга чиқариш йўлида жон фидо қилган, шаҳид кетганларни ёдга олмасдан, уларнинг ҳаётини бугунги авлод учун ибрат қилиб кўрсатмасдан туриб, олдимизга қўйган мақсадларни амалга ошириш мушкул. Йилдан-йилга шу кунларни бошидан ўтказган кексаларимиз сафи ҳам озайиб бормоқда. Айни кунларда шаҳар ва туманларда 45 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси умргузаронлик қилмоқда. Улардан ёшлар Ватанни ҳимоя қилиш, севиш, меҳнатсеварлик каби ибратли фазилатларни олиб қолиши зарур. Шу боис ҳам бугунги кунда шаҳар ва туманларда, маҳаллаларда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олиниб, иззат-икром кўрсатилмоқда. Фахрийлар давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликдан мамнунликларини билдириб, мустақиллигимиз, юртимиздаги тинчлик-осойишталик барқарор бўлишини, халқимиз фаровонлигини тилаб дуо қилишмоқда.

**ЎзА.**




# Рамазон ҳайити ОДОБЛАРИ

Рамазон ҳайити намозига чиқишдан аввал бирор егулик, ширинлик еб олинади. Имом Бухорий ҳазратлари Анас разияллоҳу анҳудан қилган ривоятларида зикр қилишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазон ҳайитига хурмо еб чиқар эканлар. Уларни тоқ ҳолда ер эканлар. Қурбон ҳайити бўлса, ҳеч нима емасдан чиқилади.

Ҳайит намозларига боришда оғизни мисвок қилиш ва алоҳида ғусл қилиб олиш ҳам жоиз. Мисвокнинг барча намозлар олдидан қилиниши суннат эканлиги машҳурдир. Мисвок ўрнида замонавий тиш пасталаридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳайит намозларига алоҳида ғусл қилишлари ривоят қилинган.

Чиройли, янги, ювилган кийимларни кийиш. Ибн Можжа ривоят қилган ҳадисда, Ибн Аббос разияллоҳу анҳу эслашича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам икки ҳайитда ҳам йўл-йўл чопон (бурда)ларини кийиб чиққанлар.

Рамазон ҳайитида намоздан олдин «садақаи фитр»ни адо этиш вожибдир. Ҳайит намозига эрта бориш, хутба ва маърузаларга қулоқ тутиш савобли амал ҳисобланади.

Ҳайитга боришда бошқа йўлдан, қайтишда эса бошқа йўлдан келишга ҳаракат қилиш керак. Чунки Имом Бухорий ривоятларига кўра, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг одатлари шундай бўлган. Буни Абу Довуд ва Ибн Можжалар Ибн Умар разияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар. Зотан, бошқа-бошқа йўллардан юришда савобнинг қадамлар ҳисобига кўпайиши, мусулмонларни кўриб-сўрашиш, ҳайитга чиққанига гувоҳларнинг кўпайиши ҳоллари юз беради.

Имом Аҳмад ва Имом Бухорийлар Ҳазрати Али каррамаллоҳу важҳаҳудан ривоят қиладилар: "Ҳайитга пиёда чиқишлик суннатдандир", деганлар. Ушбу муборак тавсия бугунги кунимиз учун жуда керакли бўлиб қолди, имкон даражасида масжидга пиёда бориш керак, агар узоқ масофадаги намозхонлар енгил машиналарда келса, уловларини масжиддан эллик-юз метр узоқроқ жойга қўйишса, хавфсиз бўлади.

Инсонларнинг бир-бирлари билан кўришишлари ва ҳайит байрами билан қутлашлари ҳам барчанинг кўнглига хурсандчилик улашадиган бу куннинг одобларидан ҳисобланади. Бир-бирларини табриклаш маъносида ўқиладиган муайян дуо бўлмаса ҳам, «Аллоҳ биздан ҳам, сизлардан ҳам қабул қилсин» маъносидаги тилаклар билдириш яхши саналади.

Аслида, қавму қариндошлар ҳолидан хабар олиш барча вақтда ҳам мусулмон кишининг зиммасидаги вазифалардан. Ҳайит намозини ўқиб бўлгач, зудлик билан ота-она, опа-сингил, ака-укаларнинг зиёратига шошилиш керак. Беморлар ҳолидан хабар олинса, мақсадга мувофиқ. Бу ҳам динимизнинг гўзаллигидан дарак беради. Қавму қариндошлар зиёрат қилинганда ҳайитдаги умумий хурсандчиликлар доираси кенгаяди, уларга совғалар ҳам улашиладиган бўлса, ўзаро меҳр-муҳаббат риштalari мустаҳкамланиб, шоду хуррамликлар янада зиёда бўлади.

Ҳайит байрамида ёш болаларни хурсанд қилишга, бу куннинг бошқа кунлардан фарқли, мусулмонларнинг байрами эканини англатишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунда уларга ҳайитлик совғалар улашиш, ҳайвонот боғларига ёки ўйингоҳларга олиб бориб ўйнатиб келиш дуруст. Ҳайит байрамининг шодликларидан эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларини ҳам баҳраманд қилишга уриниш комил мусулмоннинг белгиларидан ҳисобланади.

Барчамизга Ийди Рамазон муборак бўлсин!

**Турсунтоҳир ЭРБЎТАЕВ,**
**Қўштепа туманидаги "Мўйи муборак" жоме масжиди имом-хатиби.**

Инсон **ҚАДРИ**

# АЁЛГА ҲАЛОВАТ БЕРГАН КУНЛАРГА ҚУЛЛУҚ



## Қўштепа туманида бунёд этилган ижтимоий уй 3 нафар аёлга паноҳ бўлди

**Ҳеч қайси аёл шунчаки важлар билан "Аёллар дафтари"га тушиб қолмайди. Ҳар бир исм ортида ушалмай турган орзу ва қўл етмаган имкон бор. Боқувчисини йўқотган, яқинлари уйидан қувилган, оилавий муросасизликлар сабаб бошпанасини тарк этиб, беватан кезинаётган аёллар орамизда эканлигидан, биргина Фарғона вилоятида нотурар жойларда яшаб келаётган юздан ортиқ опа-сингилларимиз борлигидан қандай оғринмаслик мумкин?**

Ҳақиқат шуки, инсонпарвар жамиятнинг ҳеч қайси мезони буни ёқламайди. Шукрки, юрт тинч, чорасизлик гирдобида қолган одамларни эшитадиган, уларнинг қалбига эртанги ёруғ кунларга умид берадиган давлат бор. Ўртада бефарқлик қилинмаса, мамлакатимизда қулоч ёйган инсон манфаатлари ҳимояси йўлидаги эзгу ишлар ана шундай чорасиз, базўр шароитда кун кечираётган оналарнинг манглайига тезроқ қуёш туширади. Шу кунларда Қўштепа туманида бошланган хайрли ташаббус кўнгилларимизга таскин бергандай бўлди. Оғриқли тақдир эгаси бўлган 7 нафар аёлнинг дардлари битди. Тумандаги "Истиқбол" МФЙ ҳудудида қурилган ижтимоий уйлардан бири Зуҳрахон Турғуновага ҳам бериладиган бўлди.

Хушхабар кайфиятида бўлсак-да, ортга бир-икки нигоҳ ташласак, бу эзгу иш моҳияти янада ойдинлашарди. Зотан, Зуҳра опа сингари аёллар ҳақида гапириш учун хўрлик, саросарлик, умидсизлик каби сўзларни қайта-қайта ишлатишга тўғри келади.

Ўн саккиз ёшида оила қўрғонига кириб келган Зуҳрахон туманнинг Ойимча маҳалласидаги келинлик уйида қадр топмади. Ноўрин калтакланган, телбага чиқарилган кунлар ўтди бошидан. Эридан яхшилик кўрмай, уч боласи билан эгизагининг турмуш ўртоғи – поччаси номус қилиб қуриб берган уйда кир юракли одамларнинг гап-сўзига парво қилмай, бир муддат яшади. Эри Россияда қурилиши тугалланмаган кўп қаватли уйдан йиқилиб, ногирон бўлиб қолганидан сўнг, ўша ерга ҳам сиғмай қолди. Ҳақ талаб қилмасин, деб болаларини ҳам олиб қолишди-ю, "руҳий касал" тамғаси билан уйдан ҳайдашди. Ота уйида ҳам ором қайда, дейсиз. У ўзини яна тақдир ҳукмига ташлади — қирғизистонлик ёлғиз кишига турмушга чиқди. Унинг никоҳида ўғилли бўлгач, ўгай болалари бегона "меросхўр"ни сиғдиришмади. Кезина-кезина Қўштепа тумани "Истиқбол" МФЙ гузаридаги тегирмондан бошпана топди. Ўғли Убайдулло бу йил ўн олтига тўлади, ҳудуддаги 4-умумтаълим мактабида ўқийди.

Зуҳра опа 48 ёшда. Аммо ҳаётидаги қийинчиликлар унинг аёллик ҳуснига, энг ёмони саломатлигига чанг солиб улгурди. II гуруҳ ногирони бўлган аёлнинг тутқаноқ дарди ҳам бор. Шундай бўлса-да, энди у умрининг бу ёғига тинч-хотиржам яшашига, ҳаловат топишига ишонади. Унга ижтимоий уйлардан бирининг берилишини эшитиб, дунёга умид кўзи, яхши орзулар ортидан боқишга ўрганяпти.

— Уйсиз одамда яна қандай орзу бўлиши мумкин, синглим, — дейди Зуҳрахон Турғунова суҳбатимиз чоғида. – Худойимга шукурлар бўлсин, энди ўз бошпанам, уйим бўлади, энди ҳаётимни тиклаш, ўғлимни ўқитиш, уйлаб, келинли, набирали бўлиш орзуларини ҳам дилга тугиб улгурдим. Уйнинг калитини Сенат раиси Танзила Норбоева қўлидан олган кунимда ҳаяжонимни, миннатдорлигимни бир кўрсангиз эди...

Ўн йилдан бери дала шийпонида 4 нафар вояга етмаган фарзандлари билан яшаб келаётган эшонгузарлик Муножатхон Боқиева, Катта Фарғона каналининг "Сувчилар уйи"да бир нафар фарзанди, келини, набиралари ва яна бир нафар ногирон укаси билан жон сақлаётган Нурхон Тазиева сингари аёлларга ҳам ижтимоий уйлардан берилиб, уларнинг ҳам бағрига офтоб тегди.

Қўштепа тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими мутасаддиларининг сўзларига қараганда, канализация тизими таъмирланиши билан соҳибалар янги уйга кўчиб ўтишади. Унинг ёнидаги яна бир бино ҳам ижтимоий уй сифатида фойдаланишга топширилиш арафасида. Берилган маълумотларга кўра, "Аёллар дафтари"га киритилган йўлдошободлик Нигора Машарипова, эшонгузарлик Замирахон Боқиева, пахтакорлик Дона Тошбоева, халқободлик Малоҳат Абдураҳмонова сингари аёллар — уйнинг бўлажак эгалари.

Эрта-индин янги уйларда қўштепалик аёлларнинг бахтли ҳаёти бошланса, кичик ватан туҳфа қилган Ватанидан рози одамлар сафи улар билан-да кенгайса, бундан гўзал, бундан хайрли не бор?! Уйнинг шинам ва ёруғ, яшаш учун керакли барча жиҳозларга эга бўлган хоналарига кўз ташлаб, "буюрсин, насиб қилсин!" — дея тилак билдирдик. Аёлга ҳаловат берган кунларга қуллуқ қилсак арзийди.

**Дилнавоз ҚЎЛДОШЕВА.**
**Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.**

**Долзарб мавзу**

# Мажбурий меҳнатми ёки МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ?





Яқинда ўзим ўқиган мактабга бордим. Кираверишда қийғос гуллаган турфа гуллар ифори борлиқни тутган. Лекин бир жиҳат эътиборимни тортди: гулзор ўртасида қоғоз парчалари, целлофан пакетлари уюлиб қолган...

Қайтар чоғ аввал узр сўраб, мактаб директорига шу ҳолатни айтдим. Айтдим-у, директорнинг ярасига туз сепганимни англадим: болалар меҳнати, мажбурий меҳнат, ходимларни ва ўқувчиларни ободонлаштиришга мажбурлаш, бундай ҳолатларнинг ижтимоий тармоқларда тезда шов-шувга сабаб бўлиши, раҳбарга чора кўрилиши, жазолаш... Хуллас, бирор ўқувчига ёки ходимга бу юмушни бажартириш истаги йўқлигини, боши балоларга қолишини хоҳламаслигини айтди. Ўйланиб қолдим. Қачондан бери тозалик, орасталик учун тер тўкиш мажбурий меҳнатга айланиб қолди? Ахир, ўз иш жойи, таҳсил олаётган масканини озода тутиш, супуриб-сидириш, кўкаламзорлаштириш, обод қилишнинг ёмон томони борми?

## Қонунчилик нима дейди?

Мажбурий меҳнат – иш берувчи ёки фуқаро томонидан бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали, шунингдек, меҳнат интизомини сақлаш мақсадида фуқаронинг ихтиёрига ҳилоф равишда мажбурий равишда иш ёки хизмат бажартириш ҳисобланади.

Болалар меҳнати – болаларни ёшлигидан, инсоний қадр-қимматидан, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш имкониятидан маҳрум қилувчи ҳамда жисмоний ва ақлий ривожланишига зарар етказувчи ишлардир. Мактабдан кейин ёки таътил даврида чўнтак пули ишлаш мақсадида боланинг уй-рўзғор ҳамда қишлоқ хўжалиги ишларида ота-онасига ёрдам бериши бола меҳнати ҳисобланмайди. Чунки буларнинг барчаси боланинг ривожланишига ва оиланинг фаровонлигига, келажакда жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиши учун талаб қилинадиган кўникма ва тажрибага эга бўлишига ёрдам беради, уларнинг саломатлиги ва ривожланишига таъсир кўрсатмайди ҳамда таълим олишига тўсқинлик қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 29 июлда 1990-сон билан рўйхатдан ўтган қўшма қарорда 18 ёшдан кичик шахсларнинг ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларга жалб этишни тақиқлов рўйхати келтирилган. Бу рўйхатда мактаб гулзорини чопиб юмшатиш ё иссиқхонадаги ўсимликларни парваришлаш ёхуд йўлак четларидаги бегона ўтларни юлиб, супуриш йўқ...

## Нишонни тўғри олинг, блогер!

Тўғри, шундай пайтлар ҳам бўлдики, одамларимиз, хусусан, ўқувчилар мажбурий меҳнатга жалб қилинди, 1-синф ўқувчиларигача пахта йиғим-теримига ҳайдалди. Ўқитувчи-ю шифокорлар, завод ишчиси-ю тадбиркорлар ўз иши қолиб, ободончилик ва тозалик ишларига оммавий сафарбар этилган. Хайрият, ҳукуматимиз томонидан бу ишларга чек қўйилди. Бироқ бу асрлар давомида анъанага айланган меҳнат тарбиясини мажбурий меҳнат деб аташни англатмайди!

– Мактабимиз ҳудудида ярим гектарга яқин ер бор, – дейди Қува туманидаги 5-мактаб директори Дилфуза Қирғизова. – Шунча майдонни фақат хўжалик мудири зиммасига юклаб қўйиш инсофдан бўлмайди. Баъзан ўқитувчилар, гоҳида юқори синф ўқувчилари ихтиёрий равишда гуллар ва дарахтларни, экин-тикинни парваришлашда унга кўмаклашамиз. Ишонасизми, шундай пайтларда, гарчи ҳеч ким қаршилик билдирмаса-да, кимдир бошқача талқин қилмасмикан, деб юрагимни ҳовучлаб тураман.

Опанинг илҳақ бўлганича бор. Бугун ижтимоий тармоқларда исталган фикрни айтишга уринаётганлар бисёр. Масаланинг туб илдизига етмай, кўр-кўрона ахборот тарқатувчилар кўп. Айниқса, мактаб ўқувчиларига алоқадор мавзуда, “мажбурий меҳнат” борасида... Тармоқлардаги “мажбурий меҳнат” тамғаси қўйилган айбловларни кузатар экансиз, ҳаммаси бир-бирига яқин, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва тозалаш ишлари...

## Меҳнатдан ҳеч ким кам бўлмайди

Азалдан кўчатчилик, гулчилик билан машҳур Қува тумани, Қақир қишлоғидаги мактаб ҳовлисини айланамиз. Барқ уриб ўсаётган арча, шамшод, гул кўчатлари сони мингдан ортиқ, уларни келгуси баҳорда сотиш режалаштирилган. Бир томонда ихчамгина лимонарий, бир ёқда 2 сотихлик иссиқхона. Иссиқхонага экилган бодринг кўчатлари қийғос гулда, қалампирлар баравж.

– Хоҳловчилар дарсдан ташқари пайтлари кийимларимизни алмаштириб келиб деҳқончилик ишларида қарашамиз, – дейди мактаб ўқувчилари Гулсевар Ҳалимжонова ва Руслан Ҳошимовлар. – Уйда қилиб юрган ишимиз, шу боис ер чопиш, ўтлардан тозалаш, оқлаш, кесиш биз учун қийин эмас. Аксинча, иш жараёнида синфдошларимиз билан суҳбатлашиш, ҳар хил мавзуларда баҳслашиш завқ беради. Ота-оналаримиз ҳам бажонидил рухсат беришади.

– Иссиқхонани ўтган йили мактабимизнинг собиқ битирувчиси ҳомийлик қилиб қуриб берди, – дейди мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Илҳомжон Комилов. – Бу кўпчиликка ўрнак ҳам бўлди, ўқиган мактабимизга нима ёрдам қилайлик, деб келувчилар пайдо бўла бошлади.

Мактаб ерида деҳқончилик ортидан мўмай даромад ҳам олинмоқда. Ана шу маблағлар эвазига синф хоналарининг иситиш тизими тўлиқ таъмирланиб, замонавий “Акфа” эшик-ромлар ўрнатилибди, пишиқ ғиштдан битта янги синф хонаси қуриб битказилибди. Бировга ёрдам сўраб борилмабди, юқори ташкилотларга “қуриб беринг”, “таъмирлаб беринг” деб зорланишмабди, ота-оналардан пул йиғилмабди. Ҳозир ҳам мактабнинг банкдаги ҳисоб рақамида 8 миллион сўм пули бор экан! Рости, қойил қолмай илож йўқ. Мактабнинг аҳил ва меҳнатсевар педагогик жамоаси бу борада фахрланса арзийди.

Масканда таълим сифати ҳам мақтангулик. 8-синф ўқувчиси дунёнинг 80 давлати вакиллари иштирок этадиган танловда, 11-синф ўқувчиси математика, яна икки ўқувчи инглиз тили бўйича халқаро танловларда юқори натижаларга эришган. Спортнинг кураш, футбол турларида ҳам биринчилик қўлга киритилган. Туман, вилоят миқёсидаги фан олимпиадаларида, танловларда мактаб ўқувчилари фаол қатнашишади.

Бир сўз билан айтганда, ярим гектар ерда меҳнат қилиш таълимга, ўқиб-изланишга заррача халақит қилмаяпти.

## Келажакни тоблганларга топширайлик

– Беш нафар фарзандим бор. Уларнинг ютуқлари бизни қувонтиради. Лекин ҳар бир ютуқ замирида меҳнатсеварлик мужассамлигини унутмаслик керак, – дейди тошлоқлик Ферузахон Муҳаммадиева. – Ўқувчилигимизда шанба куни тўлиқ меҳнат дарси ўтиларди. Ўсмирларга аввало оилада, кейин мактабда меҳнат тарбияси берилиши тарафдориман. Меҳнат қилиш ҳаётдаги қийинчиликлардан қўрқмаслик, тўсиқларни енгиб ўтишга, муаммолар қаршисида довдираб қолмасликка ўргатади. Ахир, ҳаммамиз ҳам меҳнатнинг орқасидан маълум ютуқларга эришганмиз-ку. Фақат меъёрни билиш керак. Меҳнатда тоблан-ган боладан ёмонлик чиқиши қийин.

Бугун меҳнат тарбияси ва мажбурий меҳнатни бир-биридан фарқлаб олишимиз зарур. Аллақайси блогернинг нотўғри ташвиқоти натижасида ёшларимизнинг енгил ҳаётга ўрганган, дангаса ва такасалтанг бўлиб қолишига жим қараб туриш мумкин эмас. Аниқроқ айтсак, иш ва ўқишга халақит қилмаган ҳолда бирор дарахтни оқлаш, буташ ёки атрофни тартибга келтириш мажбурий меҳнат деб баҳоланмаслиги, мактабларда ўқувчиларнинг ихтиёрий тарзда оғир бўлмаган ишларга қатнашиши болалар меҳнати деб ташвиқ қилинмаслиги керак. Акс ҳолда, келгуси авлод кўчаларни супуриш, сув сепиб ораста қилиш, беминнат ёрдам ва ҳашарни билмай улғайиши, миллий қадриятларимиз ҳақида фақат китоблардагина ўқиши эҳтимолдан холи эмас. Эртанги кун учун эса бугун пойдевор қўйилади.

**Ҳаётжон БОЙБОБОЕВ.**
**Шерзод ҚОРАБОЕВ олган сурат.**

---

**Қишлоқ хўжалиги:** истиқбол ва самара

# Техникалар ўримга шай

Ёзёвон туманида ғалла ўрим-йиғимига пухта тайёргарлик кўрилди. Жорий йилда буғдойнинг ҳосилдор “Давр”, “Аср” навлари экилиб парваришланди. 6840 гектар майдонда деҳқончилик қилган ғаллакорлар ҳосил чўғидан мамнун.




“Агротехсервис ММТП” МЧЖда барча техникалар, жумладан, 17 дона замонавий ўрим комбайнлари тўлиқ техник кўрикдан ўтказилиб, тахт ҳолга келтирилди.

Туманда ғалла ўрим-йиғими бўйича 10 та отряд шакллантирилди. Комбайнлар ва ташув тракторларининг техник шайлиги, ёнғин ва техника хавфсизлиги, йўл ҳаракати, ишчиларга етарли меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, омборлар ва тарозилар ҳам шай ҳолатга келтирилди.

Бу йил туманда 21800 тонна ғалла ҳосилининг 1200 тоннаси уруғлик учун топширилади.

– Шу кунгача буғдойзорлар 7-8 марта қондириб суғорилди, Буғдой майдонларини ўғитлаш, техник, кимёвий ишлов беришда “Баҳромбек” ФХ, “Фарғонадон” АЖ кластер корхоналари яқиндан ёрдам беришди, – дейди “Миришкор Мадаминбой” фермер хўжалиги раҳбари Олимжон Мусаев. – 23 гектар майдонда буғдой етиштирганмиз. Баҳордан буён беш марта суспензия сепдик. Ҳар гектар ҳисобига 72 центнерлик ишлаб чиқариш режасини ортиғи билан уддаламоқчимиз.

Далаларда ғалла ҳосилининг мўллиги шундоқ кўриниб турибди. Ҳадемай, бу ғаллазорларда ҳаёт қайнайди, борлиқни техникалар шовқини эгаллайди. Бўлиқ бошоқлар ёзёвонлик деҳқонларнинг сидқидилдан қилган меҳнатини кўз-кўзлаб, юртимиз дастурхони тўкинлигидан дарак бераётгандай.

**Ўз мухбиримиз.**

# “Ҳалол” сертификатлаштириш тизими

## У қандай сертификат ва маҳсулотнинг афзаллик томонлари борми?

**“Ҳалол” сертификатлаштириш тизими маҳсулотлар, объектлар, ишлаб чиқариш воситалари бўлган жиҳозлар, бизнесни бошқариш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати талабга мувофиқлигини учинчи тараф (бетараф) томонидан тасдиқлашга оид фаолият ҳисобланади.**

Учкўприк туманидаги “Меҳригиё” хусусий корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган шифобахш маҳсулотларга “Ҳалол” сертификати расмийлаштирилгандан сўнг Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Хитой давлатларига экспорт қилиш йўлга қўйилди. Саудия Арабистони ва АҚШ билан экспорт шартномалари имзоланди, бошқа бар қатор мусулмон давлатлари томонидан кўплаб буюртмалар келиб тушмоқда.

“Ҳалол” стандарти талаблари бўйича сертификатлаштириш аудитлари Ўзбекистон Республикаси Мусулмонлари идораси томонидан тайинланган имом-хатиблар ва Турк стандартлари институти (TSE)нинг халқаро экспертлари иштирокида ўтказилади ҳамда сертификатлаштириладиган маҳсулотлар сифати, хавфсизлиги ва ҳалоллигини тасдиқловчи синовлар Турк стандартлари институтининг лабораторияларида амалга оширилади. Халқаро тан олинган “Ҳалол” сертификатлари билан бирга маҳсулотнинг ҳалоллигини тасдиқловчи синов баённомалари ҳам тақдим этилади.

Бундай сертификати мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектлари бугунги кучли рақобат шароитида бир қатор устунликларга эга бўлади. Боиси, “Ҳалол” белгиси остидаги маҳсулотлар қўшимча хавфсизлик талаблари асосида ишлаб чиқарилиши, сифати ва экологик жиҳатдан тозалиги билан ҳам қадрлидир.

**З.ТОШПЎЛАТОВА,**
**“UzTest” ДУК Фарғона филиали лабораторияси бошлиғи ўринбосари.**



# ЧОРВАЧИЛИК – фаровонлик омили

Қўштепа туманидаги “Шукурдавлат” фермер хўжалигида чорва моллари наслини яхшилаш ҳисобига маҳсулдорликни ошириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, сервис хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш, маҳсулотларни қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу ерда ҳар куни 7 тонна сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Умумий қиймати 1 миллиард сўм инвестиция дастури асосида замонавий сут соғиш жиҳозлари олиб келинди.

Гўшт ва сут йўналишида 300 бош маҳсулдор чорва олиб келиш устида иш олиб борилаяпти. Бу ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ўнлаб янги иш ўринлари яратиш имкониятини беради. Шу кунга қадар, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга 1000 бош мол берилди.

Фермер хўжалиги кўмаги билан “Файз”, “ Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғинида ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳудудларда 1000 тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди, умумий узунлиги 10 километр йўл ёқаларига кўча чироқлари ўрнатилди.

**Шерзод ҚОРАБОЕВ.**

**Асаларичилик**

# Оила дастурхонининг шифобахш неъмати

Данғара агросаноат касб-ҳунар коллежини тамомлаган Абдураҳмон Мўминов томорқа хўжалигида асалари парваришлашни йўлга қўйганига кўп бўлгани йўқ. Ҳозир шифобахш неъмат ва мўмай даромад манбаи бўлган асал етиштиришда яхши тажрибага эга.



Бу эса тадбиркор фаолиятини кенгайтиришга туртки берди. “Алоқабанк” Қўқон филиали томонидан таклиф қилинган “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида асалари оилаларини сотиб олиш учун 14 фоизли, 6 ойлик имтиёзли 9 миллион сўм сармоя олди.

— Асосий эътиборимизни асалари оилаларини кўпайтириш, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратяпмиз, — дейди ёш тадбиркор. — Томорқамизда 30 та асалари оиласи бор. Яхши парваришланса, битта қутиси 10-15 килограммгача асал беради. Бир килограмм маҳсулотнинг баҳоси 50-55 минг ҳисобланганда, оилавий даромадимиз чакки бўлмайди. Бу йўналишда ишлаш истагида бўлган тенгдошларим, қўни-қўшниларга “бола ари” пакетларини етказиб беряпмиз. Бу ҳам даромад.

Асалари — етти хазинанинг бири, она табиат томонидан инъом этилган мўъжиза. Чекка қишлоқнинг оддий йигити бу ҳунар “этагини” тутиб, кам бўлгани йўқ. Ҳалол меҳнат ортидан топилган даромад оила корига бакор келмоқда. Икки қизни турмушга узатди, янги машинали бўлди.

— Шу кунга қадар “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”га киритилган 15 та оилага 281 та асалари оилалари етказиб бердик, — дейди “Қўқон асаларичилик Агро” МЧЖ раҳбари Қаюмжон Дадабоев. — Шунингдек, асаларичиларни керакли жиҳозлар билан таъминлаш, янги инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш, маҳсулот сотишда ўз таклиф ва тавсияларимизни бериб боряпмиз. Ўтган йилнинг ўзида аҳолига 5000 та асалари оилалари етказиб берилди.

Асалари парваришлаш шунчаки эрмак эмас, балки тадбиркорлик. Бир қараганда оддий юмушдек кўринган бу жараён сабр-бардош, билим ва маҳоратни талаб этади. Шу боис хонадон хазинаси, мўмай даромад манбаи сифатида эътироф этилади. Банкда ҳисоб рақами очиб, асаларичиликни ривожлантираётган оилалар кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Янги лойиҳа ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилмоқда.

— Асал ва асаларичилик маҳсулотлари сотишга ихтисослашган дастурий тизим — электрон платформаси яратилди, — дейди “Алоқабанк” Қўқон филиали бошлиғи Шерзод Мадумаров. — Унинг ёрдамида кластерлар, асаларичилик субъектлари, жиҳозлар ва дори воситалари ишлаб чиқарувчи ҳамда савдоси билан шуғулланувчи, маҳсулотларни қайта ишловчи, экспортга йўналтирувчи корхоналар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Зотли ва маҳсулдор асалари оилаларини етиштириш, маҳсулот кўпайтиришнинг яна бир муҳим жиҳати, табиий нектарга бой озуқа экинлар ривожига боғлиқ. Ана шу мақсадда кластер хўжалигида зирк, наъматак, дўлана, далачой, жийда, япон сафораси сингари ўсимликлар плантациясини кенгайтиришга эътибор қаратилаётир.

**Расулжон КАМОЛОВ.**

**Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.**




## АҲОЛИ РЎЙХАТГА ОЛИНАДИ

**Мамлакатимизда аҳоли шу кунда нечтани ташкил этади? Фарғона вилоятида-чи?**

Айни пайтда аҳоли сонини аниқ ҳисоб-китоб қилиш, яшаш шароити ҳамда бошқа демографик хусусиятлари бўйича ягона маълумотлар базасини яратиш мақсадида тайёргарлик ишлари изчиллик билан давом эттирилмоқда.

— Бу борада хорижнинг илғор тажрибалари ўрганиляпти. БМТ томонидан аҳолини рўйхатга олиш ишлари ҳар ўн йилда олиб борилиши белгиланган бўлса-да, юртимизда аҳолини рўйхатга олиш сўнгги марта 1989 йилда ўтказилган, — дейди вилоят статистика бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Эркин Ташбеков. – Бу жараёнда қўлга киритиладиган асосли ва ишончли маълумотлар республикадаги ижтимоий вазиятга янада ойдинлик киритишга хизмат қилади. Шу билан бирга, у нафақат давлат, балки бизнес юритиш учун ҳам фойдали бўлади. Рўйхатга олиш ишлари 4 босқичда амалга оширилади. Бу — аҳолини огоҳлантириш профилактикаси, рўйхатга олиш, маълумотларни электрон базага киритиш ва тўпланган маълумотларни эълон қилиш босқичларидан иборат.

Вилоят статистика бошқармасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз борди.

**Ўз мухбиримиз.**

ЖАРАЁН

# Йўллар ободлик белгиси



**Ўзбекистон туманидаги “Қўқон-Яйпан-Исфара” автомобиль йўлининг 10 километрлик қисмида жорий таъмирлаш ишлари қизғин тус олган.**



Фарғона йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси йўлсозлари таъмирлаш ва асфальт ётқизиш ишларини бажаришмоқда.

Бу каби ободонлаштириш ишлари туман кўркига-кўрк қўшиб, юртдошларимизнинг йўлларда хавфсиз ҳаракатланишига хизмат қилади.

**Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.**

## ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

### Янги Ўзбекистонга бағишланган махсус журнал

Польша пойтахти Варшавада Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган «Янги Ўзбекистон: бизнес-фаолият маркази, ноёб маданият ва жаҳон туризми» номли махсус журнал чоп этилди.

80 саҳифадан иборат мазкур нашр Ўзбекистоннинг Польшадаги элчихонаси томонидан «REA» нашриёти ва «Drukarnia Skleniarz» матбаа концернининг техник кўмагида дунё юзини кўрди. Журнал 2 минг ададда чоп этилди.

### "Хўжаи Аъло-Ворух" йўли қурилади

Тожикистон ва Қирғизистон ўртасида транспорт воситалари ҳамда товарлар ўтиши учун янги автомобиль йўли қурилади. Бу ҳақда ҳукуматлар делегациялари чегарада мунозарага сабаб бўлаётган ҳудудларни делимитация ва демаркация қилиш тўғрисида қўшма баёнотни имзолагандан сўнг маълум бўлди.

Шундай қилиб, икки мамлакат ўртасида келишувга эришилди, фуқароларнинг эркин ҳаракатланиши учун Танги (Қапчиғай) аҳоли пунктининг шарқий қисмини айланиб ўтадиган "Хўжаи Аъло-Ворух" автомобиль йўли ҳамкорликда қурилади. Ушбу автомобиль йўлининг мақоми Тожикистон ва Қирғизистон ўртасида тузиладиган алоҳида келишув билан белгиланади.

### Беларусда оқ-қизил рангли оёқ кийим ва пайпоқ кийган аёл жаримага тортилди

Беларусда тақиқланган қизил-оқ рангли пайпоқ ва пойабзал кийган Наталья Сивтсова-Седушкина 650 фунт жаримага тортилди.

Бу воқеа Беларусь пойтахти Минскда бўлди, дея ёзади haber.com сайти.

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари Сивтсова-Седушкинанинг жазоланишига сабаб мамлакатда байроқ рангидаги пайпоқ ва пойабзал кийиб олгани эканини ёзмоқда.

### Ҳиндистонда коронавирусдан кунлик ўлим кўрсаткичи 4200 тага етди

Мамлакат янги юқумли касалланишлар 400 мингдан ошди дея хабар бераяпти, аммо мутахассислар бу рақамлар жуда кам деб тахмин қилмоқда.

Ҳиндистонда “Covid-19”дан ўлим кўрсаткичи шанба куни дунёдаги энг ёмон юқумли касалликлар сирасида илк бор 4 мингдан ошди. Яъни 4 минг 187 та янги ўлим қайд этилди.

### Саудия Арабистонида коронавирусга қарши эмланмаганларнинг ишга чиқиши тақиқланади

Саудия Арабистони ҳукумати давлат ва хусусий компания ходимларини коронавирусга қарши эмланмаган бўлса ишга чиқишини тақиқлаб қўйди.

Ҳозиргача аҳолиси 34 миллион бўлган Саудия Арабистонида 10 миллион фуқаро эмлаб бўлинди.

### Африкада энг қадимги қабр топилди

Кенияда қадимги тош даврига оид деб тахмин қилинган 3 ёшли боланинг скелети қолдиқлари топилди. Археологлар тадқиқотига кўра, минг йиллар аввал тахминан япроқлар ва ҳайвон терисига ўраб кўмилган бола тахмин уч ёш бўлиб, полеолит даврида яшаган. У 78 минг йил аввал дафн этилган.

**ЎзА.**

## Ёш тадбиркорлар

## “ТИНЧЛИК”НИНГ ШИРМОЙ НОНЛАРИ

**Фарғона шаҳридаги “Тинчлик” МФЙга йўлингиз тушса, бу осуда маҳалланинг бошиданоқ нон иси димоғингизга урилади.**

723 та оила истиқомат қиладиган ҳудудда илгари новвойхона бўлмаган. Жаҳонгир Мисормаматов новвойхона қуриш нияти борлигини айтганида маҳалладагилар уни қўллаб-қувватлашди. Жой муаммоси тўғаноқ бўлганида, маҳалла раиси қараб турмади. МФЙ ихтиёрида бўлган омборхонани ажратиб берди. Ёшлик ғайрати, кексалар дуоси билан иш бошлаб юборилди. Имтиёзли кредит маблағи эвазига тандир, ун маҳсулотлари сотиб олиниб, 4 ишчи ўринга эга новвойхона фаолияти бошланиб кетди.

– Бир кунда 800 донага яқин нонни аҳолига етказиб бермоқдамиз, – дейди ишчи Ўктамжон Ғайназаров. – Келгусида мен ҳам ўз тадбиркорлигимни йўлга қўймоқчиман.



## ЯНГИ УЙИНГИЗГА СИФАТЛИ ПЕНА-БЛОК

**Мирзаакбар Солиев Россияда ишлаб юрганида ватанига қайтиб, ўз бизнесини йўлга қўйишни мақсад қилган эди. Уйга қайтгач, фикрини оиласидагиларга билдирди. Акаси билан биргаликда лойиҳа устида изландилар.**

Андижон вилоятида пена-блок ишлаб чиқариш сир-асрорларини ўрганиб, бизнес лойиҳа тайёрлашди. Аниқ ва пухта режага асосан банкдан кредит маблағи олингач, иш фаолиятини бошлаб, ўзи каби чет элда ишлаб қайтган оғайниларини иш билан таъминлади.

Сифатли, шовқин ўтказмас, ҳар фаслга хос қулайликка эга пена-блоклар машҳур бўлиб, узоқ-яқиндан харидорлар кела бошлашди. Айтишларича, бу ерда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материали бошқа жойларга нисбатан сифатли, ҳам арзон экан...

Ҳар учала қаҳрамонимиз 24-25 ёш атрофидаги тиришқоқ ёшлардан. Улар бўш вақт, дам олиш каби тушунчаларга бошқача назар билан қарашга одатланишган. Мақсадлари: ишбилармонлик хусусиятларини ривожлантириш, ота-онаси, маҳалла-кўйни рози қилиб, дуо олишдан иборат эканлиги эса янада қувонарли ҳолдир.



**Моҳларой Узоқова бўш вақтларида тикувчилик билан шуғулланар, аҳолини бежирим либослар билан хушнуд қиларди.**

## МОҲЛАРОЙНИНГ ОРЗУЛАРИ ҚАНОТ ҚОҚМОҚДА

Ҳаракатчан қиз қўшимча дарсларга қатнаб, билимларини оширди. Тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, Фарғона давлат университети талабаси бўлди. Ўқиш билан бирга чеварчилик бўйича ҳам ўз малакасини мунтазам ошириб борди.

“Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси кўмагида билимларини мустаҳкамлаб, ўқув марказини жиҳозлаш бўйича “Микрокредитбанк”дан имтиёзли кредит маблағини қўлга киритди. Аёл-қизлар учун “Латиф” мода мактаби очди. Бугун унинг кўплаб ўқувчи-шогирдлари бор. Замонавий мебель ва дастгоҳлар билан жиҳозланган ўқув марказида жараёнлар қизғин давом этмоқда.

**Нодира РАҲМОНҚУЛОВА.**

## ЭЪЛОНЛАР

Якка тартибдаги тадбиркор “Imamova Barchinoy Tulkunovna” номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси томонидан 2009 йил 25 апрелда Ибрагимов Зухридин Тайлоқовичга берилган FV 4558 рақамли нафақа гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**УЙ СОТИЛАДИ**
Абдулла Қодирий мавзеи (каналга қадар)да жойлашган эски режада қурилган кўп қаватли уйнинг 3-қаватидаги 2 хонали хонадон сотилади. Уй 26-мактаб рўпарасида. **Телефон: 90 584-19-68.**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими, “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталари таҳририяти” МЧЖ жамоалари «Фарғона ҳақиқати» газетаси бўлим мудири Расулжон Камоловга онаси
**Оймса КАМОЛОВА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими, “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталари таҳририяти” МЧЖ жамоалари ижодий уюшма ходими Маҳиёра Бойбобоевага қайнотаси
**Камолжон АБДУЛЛАЕВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЛУҚМА

## ҚАРОВСИЗ БОҒ, НОМСИЗ МАҚБАРА...

**Водилдаги “Чинор таги” истироҳат боғига йўлимиз тушди.**

Бу ерда Андижон, Жалолобод, Наманган, Хўжанд, Ўш, Фарғона вилоятлари ҳокимликлари томонидан дўстлик рамзи сифатида 1992 йилда ёдгорлик тоши ўрнатилган. Арчалар орасида уч марта Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқуловнинг бюсти бор. Боғда турли хил дарахтлар, сизга қандайдир ёқимли ҳисни инъом этади. Бироқ, боғ қаровсиз, бегона ўт-ўланлар билан қопланган. Аттракционлар эса яроқсиз ҳолатда.

Бу ердаги мақбаранинг номи эса ёзилмаган. Сайр қилиб юрган икки йигитдан бу кимнинг мақбараси эканини сўрадик

— Билмасак, лекин ўрнатилганига анча бўлган, — дея жавоб беришди.

“Фарғона тумани тарихи” китобидан мақбара Ҳожа Аҳмад Валийга тегишли эканини ўқиб билдим. Ривоятларга кўра, у Ҳазрат Алининг жиловдори. Яна бир афсонада келтирилишича, Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг авлоди бўлган. Буюк зотнинг мақбарасига лавҳа ёзиб қўйиш ёдларидан кўтарилган чоғи...

Мақбаранинг шундоққина ёнида жойлашган “Фарғона тарихи музейи” аҳволи ачинарли. Бино нураб кетаётганини сезиш қийин эмас. Шундай бўлса-да, музейдаги экспонатларни кўришга ошиқиб, қулф очилишини анча кутдик, аммо унинг ичидаги осори атиқаларни дераза ортидан кўра олдик, холос.

Минг йилларни кўрган азим чинор ҳам айнан шу боғда. Маҳаллий аҳолининг айтишича, бу чинор бир вақтлар мактаб вазифасини ҳам бажарган. Бироқ, қадимий чинор ҳам етарли даражада муҳофаза қилинмаган. Атрофи ўраб қўйилиши керак эмасмиди? Ҳозир эса унинг ичида болалар бемалол ўйнаб, пўстлоқларини кўчиришяпти. Яна катта-катта қилиб, “Давлат томонидан сақланади” деб ёзиб ҳам қўйишибди. Сақланаётгани шу бўлса...

— Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги маданий мерос департаменти фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига биноан, ҳудудлардаги маданий мерос обеъктларини муҳофаза қилиш маҳаллий ҳокимликлар зиммасига юклатилган, — дейди вилоят маданий мерос бошқармаси бош мутахассиси Акрам Эргашев.

Табиати сўлим маскандан қайтаётиб, беихтиёр шоир Муқимий ҳазратларининг таърифи ёдимга тушди:

**“Водил” мақоми дилфизо,**
**Кўчаларидур дилкушо,**
**Анҳорида оби сафо,**
**Себарга, обишор экан.**

Биз Водил, хусусан “Чинор таги” истироҳат боғи шоир таърифига мос бўлишини жуда-жуда хоҳлардик.

**Шоҳсанам ЭШМАТОВА.**







МУАССИС: «Farg‘ona haqiqati» va «Ferganskaya pravda» gazetalari tahririyati» MChJ

Бош муҳаррир: Муҳаммаджон ОБИДОВ

Газетадан материал кўчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан олинди» деб кўрсатилиши шарт.

Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета таҳририятига юборилган қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди.

*Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236-«б» уй.*

*Босишга топшириш вақти: 19.00. Топширилди: 19.00.*

Буюртма: 310
Индекс: 7521
Адади: 9 487

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.
Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.

Саҳифаловчи: Алишер Розиқов.

ISSN: 2010-8370

*Газета сешанба ва жума кунлари чиқади.* ■ Баҳоси келишилган нархда. ■ Навбатчи муҳаррир: Ботир Мадиёров. ■ *Газета сифати учун босмахона масъул.*